14-1261/3000 -СОН

# ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

**Хужайли тумани** **2022 йил "18" Январь**

**"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси** (кейинги ўринларда–Компания) номидан **2021** йил **30.12** дағи № **27-01-14/6014** -сон ишончнома асосида фаолият юритувчи "Ўзбектелеком" АК ҚР филиали директори К.Таженов (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан в Хуж.Тум. Всеганояна бул номидан Устав (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи Ерешенов М. К. (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар хақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг WWW.UZTELECOM.UZ расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлик танишиб чикканлигини тасдиклаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдикловчи тегишли молиявий хужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз кабул қилиши (акцептини) хисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган максадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чикиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг хукук ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгилаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вактдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган хукук ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз хукук ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (**Postpaid**) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жараёнида Абонент билан хисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютада кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вактда белгиланган барча соликлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фоиз** миқдорида олдиндан тўланади. дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (хисоб) асосида хамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ хар бир танланган хизмат тури учун алохида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

**Шартноманинг умумий суммаси (ҚҚСни хисобга олган холда)** 300 000 ( уч юз минг ) сўм ни **ташкил этади.**

**Ушбу сумма** 300 000 ( уч юз минг сум ) **сўм миқдоридаги Абонент тўлови** — ( — ) **миқдоридаги бир марталик тўловни ўз ичига олади.**

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган хисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган хисоб-фактура асосида хар ойда Оператор томонидан хисоб-фактура берилган кундан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар хақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) хисоб рақамида хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда хар ойлик хисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан уланган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, хисобот даври (календарь ойи) учун исталмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент хисобот ойининг 1-кунидан олдин хизматларни ихтиёрий равишда блокировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блокировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўринишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент **10 (ўн) иш куни** мобайнида Оператор томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактура бўйича ўз эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда тақдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизматлар тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асослантирилган тақдирда, Оператор кейинги календарь ойида тақдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганида **1 (бир) календарь ойдан** ошмаган муддатга Абонентнинг кафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

**4. Томонлар жавобгарлиги**

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва миқдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бундан мустасно).

**5. Низоларни ҳал қилиш тартиби**

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

**6. Алоҳида шартлар**

6.1. Томонлар мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Респбликасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки хатти-ҳаракатларни содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироф этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Мазкур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда тақдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (ўттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ўн беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

**7. Якуний қоидалар**

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга татбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент** учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва **2022 йил 31 декабрга** қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, **10 (ўн) календарь кун** ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхада расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

**8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:**

| **ОПЕРАТОР:** | **АБОНЕНТ:** |
|---|---|
| **“Ўзбектелеком” АК** | Хўжайли тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими |
| **Коракалпоғистон Республикасы филиали** | |
| **Манзил: _г.Ходжейли ул.Дослык №27а** | Манзил: Хўжайли тумани Энергетик-8 |
| **Банк маълумотлари:** | Банк маълумотлари: Р/с 23402000300100001010 |
| **х/р: 20210000904074838359** | х/р: 100022860352367042133250001 1 |
| **СТИР: 203366731_** | СТИР: 200395951 |
| **МФО:_ 00401_; АТБ “Алокабанк” ОКЭД: 52300** | МФО: 00014 Банк номи: ЦБ г. Ташкент |
| **Тел: (61) 554-13-44 (61) 554-14-44_; факс** | Тел: 61-556-10-03; |
| **E-mail: ____________;** | E-mail: Хўжайли Казна бўлими. инн: 201122919 |
| **Оператор номидан:** | **Абонент номидан:** |
| ____________ **Ш.Исмаилов** | М. Ерешенов **Ф.И.Ш.** |
| /имзо/ | /имзо/ |
| м.п. | м.п. |

Приложение №2

**Договор № 14-1261/3000 от 18.01./2022г**

**Предоставляемые услуги**

**1. Перечень услуг и тарифы на них**

*Единица измерения Национальная валюта – Сум*

| № | наименование услуг | цена (стоимость) включая НДС | Обоснование | кол-во точек | сумма , включая с НДС, сум |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | 2 | 3 | 4 | 5 | 6 |
| | **I. Единовременные (разовые) платежи** | | | | |
| 1.1 | Регистрация и подключение выделенных (постоянных)соединений, включая проектирование, монтаж, программирование, приемку в эксплуатацию при соединении на **Ethernet порту**, за аборудование **ADSL-модем IP-адресс** | — | Прейскурант | | — |
| | **II. Ежемесячные платежи** | | | | |
| | | | | | |
| | Доступ к Национальной сети передачи данных (Интернет) со скоростьюсоединения **по тарифному плану**<br>1 Мини офис-2<br>3<br>**1).Логин** aa-41-5561003<br>**2).Логин**<br>**3).Логин**<br>**4).Логин** | 100000 | | 1 | 100000 |
| 2.1 | Абон.плата за подключение со скоростью 2048 Кб/сек включающая — Мb трафика | — | Прейскурант | 1 | — |
| 2.2 | Цена 1 Мb сверхлимита сум | 25 | Прейскурант | 1 | 25 |
| | **Всего (предоплата)** | | | | |

**Всего предоплата:** 300000

**том числе НДС** 39130 43

**Сумма Договора составляет с учетом НДС**

300000 ( Уч юз минг сум. )

**Ежемесячная абонентская плата составляет с учетом НДС**

100000 ( Бир юз минг сум. )

**Разовые платежы за подключение**

— ( — )

**В случае превышения суммы договора размер суммы превышения будет оплачен ежемесячно.**

| **Оператор"** | **"Абонент"** |
|---|---|
| **АК "Узбектелеком" филиал в Республике Каракалпакстан Ходжейлиского РУТ** | Хўжайли тумани Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими. |
| **Начальник** ________ Ш.Исмайлов | **Руководитель** ________ Т. Еремепов |
| **м.п.** | **м.п.** |

электрон рақамли имзо орқали тасдиқланган, ҳужжат коди: KF2386582356

# YURIDIKALÍQ ÁHMIYETKE IYE HÚJJETLERDIŃ NÍZAM HÚJJETLERINE MUWAPÍQLÍǴÍ HAQQÍNDAǴÍ HUQÍQÍY JUWMAǴÍ

Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 29.06.2021-jılǵı PQ-5168-sanlı qararı menen tastıyıqlanǵan "Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayları haqqında"ǵı Rejege tiykarlanıp, Xojeli rayonı Veterinariya hám sharwashılıqtı rawajlandırıw bóliminiń shártnama joybarın huqıqıy ekspertizadan ótkerilgende tómendegiler

**A N I Q L A N D I:**

1. **Joybar túri**: Shártnama.

2. **Joybar ataması:** Telekommunikaciya xızmetleri kórsetiliwi haqqında abonent shártnaması.

3. **Joybar mazmunı:** Xojeli rayonı Veterinariya hám sharwashılıqtı rawajlandırıw bólimi hám "ÓZBEKTELEKOM" AK QR filialı Xojeli rayonı telekomminikaciyalar tarmaǵı menen **14-1261/3000-sanlı** shártnamasın dúziw haqqında.

4. **Joybardı islep shıǵıwshı hám kiritilgen sáne haqqında maǵlıwmat:** Shártnama joybarı Xojeli rayonı Veterinariya hám sharwashılıqtı rawajlandırıw bólimi tárepinen islep shıǵılǵan hám dástúrge kiritilgen.

5. **Joybardıń nızam hújjetlerine muwapıqlıǵı:**

Shártnama joybarı Ózbekstan Respublikası Puqaralıq kodeksiniń (Xojalıq shártnamaları haqqındaǵı ulıwma qaǵıydalar) 353-354 statyaları, (Oferta haqqındaǵı qaǵıydalar) 367-369 statyaları, Ózbekstan Respublikasınıń 29.08.1998-jılǵı № 670-I-sanlı "Xojalıq júritıwshı subyektler iskerliginiń shartnamaliq-huqıqıy bazası haqqındaǵı" Nızamı hám de Ózbekstan Respublikası Prezidentiniń 2018-jıl 27-sentyabrdegi "Ózbekstan Respublikasınıń 2021-jıl 22-aprel kúngi "Mámleketlik satıp alıwları haqqında"ǵı Nızamın ámelge asırıw is-ilájları haqqında"ǵı PQ-3953-sanlı qararı menen tastıyıqlanǵan qosımshasınıń 4-bánti talapları tiykarında islep shıǵılǵan.

Joqarıdaǵılardı esapqa alıp, huqıqıy ekspertizadan ótkeriw nátiyjelerine kóre

**JUWMAQ:**

Sonlıqtan, Xojeli rayonı Veterinariya hám sharwashılıqtı rawajlandırıw bólimi hám "ÓZBEKTELEKOM" AK QR filialı Xojeli rayonı telekomminikaciyalar tarmaǵı menen **14-1261/3000-sanlı** shártnamasın dúziw **maqsetke muwapıq**.

**Xojeli rayonı Yuridikalıq xızmet kórsetiw orayı bas yuriskonsultı:** **R.Tajibayev**

2022-jıl 13-yanvar